# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: info@xs.uz ● 2013 йил 12 апрель, № 70 (5744) Жума


## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

*Бухоро туманидаги "Дилкушо қурилиш" масъулияти чекланган жамиятида қурилиш бўёқлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.*

### Компьютер технологияни бошқаради

— Корхонамиз ўтган йилнинг ёзида фаолият бошлаган эди, — дейди жамият мутасаддиларидан бири Карим Шарипов. — Ҳозир жамоамизда 12 нафар киши меҳнат қилаяпти. Бизнес лойиҳани муваффақиятли амалга оширишимизда 250 миллион сўмлик банк кредити қўл келди. Яқинда эса компьютерлар воситасида бошқариладиган замонавий технология асосида бўёқлар тайёрлашни ҳам йўлга қўйдик. Буюртмачиларга ойига ўртача 120 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бераяпмиз. Жорий йилда ўз маҳсулотларимизни экспортга йўналтириш ниятидамиз.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Тежамкор ёритқичлар

*Андижон вилоятида 492 минг 657 та хонадон электр энергиясидан фойдаланади.*

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, битта хонадонда ўрта ҳисобда 5 донадан 100 ваттли электр ёритқичдан фойдаланилса, бунинг учун бир кунда вилоят бўйича 205 миллион 733 минг 563 сўмлик маблағ сарфланади. Агар бу ёритқичлар тежамкор лампаларга алмаштирилса, йил давомида 29 миллиард 286 миллион 99 минг сўмлик энергияни тежаш имкони яратилади.

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, ташкилот ва корхоналар, хонадонларда замонавий ҳамда тежамкор лампалардан фойдаланишни бугун ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Ўтган йили "Андижон худудий электр тармоқлари" очиқ акциядорлик жамиятига қарашли объектларда 1286 та тежамкор ёритқич ўрнатилди. Натижада 492 минг 880 кВт. соат электр энергияси тежалишига эришилди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Ихчам, қулай ва арзон

*Бугун кундалик турмушимизда полиэтилен плёнкаларга талаб тобора ортиб бормоқда. Чунки бундай хом ашёдан тайёрланган маҳсулотлар ихчам, қулай ва арзонлиги билан ажралиб туради.*

Шуни ҳисобга олган Сариосиё туманидаги "Саховат" масъулияти чекланган жамияти мутасаддилари 200 миллион сўм эвазига Хитой давлатидан замонавий ускуналар келтиришди. Уларни бошқариш учун 10 нафар мутахассис ишга жалб этилди. Касб-ҳунар коллежларини тамомлаган ушбу ёшлар томонидан айни пайтда турли ўлчамдаги плёнкалар тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

**Н. ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Ишлаб чиқариш кўлами кенгайди

*Ғаллаорол туманидаги "Астан Эгамбердиев" МЧЖда амалга оширилган модернизациялаш ишлари корхона фаолиятини янги босқичга кўтарди.*

Гап шундаки, қурилиш ашёлари ишлаб чиқарувчи мазкур корхонада ўтган йили қиймати 346 миллион сўмлик 2 та лойиҳа ҳаётга татбиқ қилинган эди. Натижада унинг ишлаб чиқариш қуввати 4 баробарга ортди. Яъни жамият аъзолари ўтган йили маҳаллий бозорга 564 миллион сўмлик бетон ғишт, черепица ва 6 турдаги мебель маҳсулотлари етказиб беришди.

Жамият раҳбари А. Эгамбердиевнинг таъкидлашича, жорий йилда полиэтилен қувур тайёрлаш ҳам йўлга қўйилади.

**А. УЛУҒОВ.**

### Сутдан сархил неъматлар

*Амударё туманидаги "Ергулобод" фермер хўжалиги жамоаси сутни қайта ишлаш корхонасини ишга туширди.*

— Хорижнинг замонавий, ихчам ва тежамкор технологиясига асосланган ушбу лойиҳани рўёбга чиқаришда банкнинг 170 миллион сўмлик кредитидан фойдаландик, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Гулмурод Бобониёзов. — Айни пайтда кунига бир тоннадан зиёд сутни қайта ишлаб, қадоқланган сут, қатиқ, қаймоқ, сузма, пишлоқ, бринза каби сифатли маҳсулотларни ички бозорга етказиб бераяпмиз.

Таъкидлаш лозимки, тез орада хўжалик қошида замонавий новвойхона ҳам иш бошлайди. Бунинг натижасида яна ўн кишининг бандлиги таъминланади.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Жорий йилнинг 16-17 апрель кунлари Тошкентда «Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтади.**

# ОБОДЛИКДАН ЯШНАГАН МАСКАН

TOSHKENT
16-17 APREL 2013

*Маълумки, кейинги йилларда қишлоқларимиз қиёфаси бутунлай ўзгариб, янада чирой очмоқда. Буни намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган ҳар томонлама қулай тураржойлар мисолида яққол кўриш мумкин.*

*Бу борада тўпланган Ўзбекистон тажрибаси халқаро миқёсда ҳам эътибор қозониб, юқори баҳоланаётгани, айниқса, диққатга сазовордир.*

*Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда Президентимизнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги остида қишлоқ жойларни ободонлаштириш, замонавий тураржой массивларини барпо этиш бўйича ўзига хос янги тизим яратилди. У жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози айни авжига чиққан йилларда муваффақиятли амалга оширила бошлангани натижасида мамлакатимизнинг барча ҳудудлари, хусусан, Жиззах вилояти қишлоқларида ҳам янги ва обод манзиллар пайдо бўлди.*



Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

**СУРАТДА:** *Пахтакор туманининг "Чаманзор" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Чаманзор массивида бунёд этилган янги тураржойлардан бирига кўчиб ўтган Қиличовлар оиласи яратилган қулайликлардан баҳраманд бўлиб бахтиёр ҳаёт кечиришмоқда.*

— Бундай уйлар ҳар бир қишлоқ аёлининг орзуси эди, — дейди Жиззах тумани, "Учтепа" ҚФЙ ҳудудидаги замонавий уйлардан бирига кўчиб ўтган ёш оила бекаси Ҳабиба Рўзматова. — Қаранг, биз, уй бекалари учун барча шарт-шароит яратилган. Шаҳардаги уйлардан кам жойи йўқ. Иссиқ ва совуқ сув бор, табиий газга уланган. Энди овқат пишириш, чой қайнатиш учун ҳовлига чиқиб, олов ёқишга ҳожат қолмади. Авваллари меҳмон келиб қолса, вақтимиз ошхонада ўтарди. Айниқса, қиш кунлари тансиқ таом тайёрлаш учун кун давомида куймаланар эдик. Сабаби, эсаётган шамол гоҳ оловни ўчириб кетар, гоҳида ёмғир панд бериб қоларди. Шундай пайтда овқатни дастурхонга тортиш кечикиб, қайнонам олдида мулзам бўлиб қолардим.

Наврўз байрами арафасида ушбу уч хонали уйга кўчиб келдик. Ошхонаси кенг ва ёруғ. Уни лойиҳалаштиришда шамол йўналиши, қуёш нурининг тушиши ҳам инобатга олинган экан. Очиғи, уйимизда бундай қулайликлар бўлишини тасаввур ҳам қилмаган эдим. Жуда бахтиёрман!

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари томонидан 2009 йил 3 августда имзоланган "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор асосида вилоятда бунёдкорлик ишлари кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда. Ўтган давр ичида мавжуд 12 та туманда аҳолининг дидига мос 1115 та кўркам уй-жой қад ростлагани шундай дейишимизга асос бўла олади.

Жорий йилда намунавий лойиҳалар асосида 550 та тураржой барпо этилади. Бу мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти юқорилигидан, халқимизнинг барча шарт-шароитга эга тураржойларда яшашга бўлган иштиёқи ортиб бораётганидан далолат беради, албатта.

(Давоми 2-бетда).

# «ЎЗБЕКИСТОН КЕНГ ҚУРИЛИШ МАЙДОНИГА АЙЛАНГАН»

*Йиллар ўтган сайин мамлакатимиз гуллаб-яшнамоқда: ўзига хос, ўзига мос шаҳарсозлик ва меъморчилик асносида янги қиёфа касб этаётир. Анъанавий маҳаллий иморатсозлик сақлаб қолинган ҳолда, янги бунёд этилган бинолар юртимиз чиройига янада чирой қўшаяптики, улар маънавий, маданий ва тарихий бойликнинг бир бўлагига айланиб, ҳатто, хорижлик меҳмонларнинг ҳам таҳсин-тасанносига сазовор бўлмоқда.*

**ЭЪТИРОФ**

Мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган ва аниқ мақсадга йўналтирилган ҳозирги катта ўзгаришлар изчил бунёдкорлик ишларининг давомидирки, бу замонавий Ўзбекистоннинг меъмори бўлиб қолган Президент Ислом Каримов номи билан бевосита боғлиқдир. Давлат раҳбари раҳнамолигида, жумладан, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар кенг кўламда бунёд этилмоқда. Бу бизнинг умумий уйимиз ободончилигига кўмаклашади, хонадонларимизга янада шинамлик бахш этади, халқ фаровонлигини ошириб, жамиятимиз тараққиётига хизмат қилади.

16 — 17 апрель кунлари Тошкент шаҳрида ўтказиладиган "Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили" мавзуига бағишланган халқаро конференция республикамиз ҳаётидаги муҳим воқеалардан бири бўлади.

Мазкур анжуман унинг иштирокчиларига давлатимизнинг иқтисодий, саноат, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий, маданий ва илмий жабҳаларда, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларида қўлга киритилган муваффақиятлар, мамлакатимизнинг қишлоқ жойларида истиқомат қиладиган аҳолининг уй-жой шароитлари қай даражада яхшилангани, уларнинг иш билан таъминланиши ҳамда турмуш тарзи ва фаровонлиги юксалгани билан яқиндан танишиш имконини беради.

Халқаро анжуман чоғида қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилишининг ҳуқуқий пойдевори ва унинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, қишлоқ жойларда замонавий уй-жойларнинг барпо этилиши қурилиш индустрияси ҳамда саноат ишлаб чиқариши жадал тараққиётининг омили, унинг ривожланиши қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини фаоллаштириш, одамлар менталитетини ўзгартиришнинг муҳим воситаси сингари йўналишларда ўзаро фикр алмашувлар бўлиб ўтади. Янги иш ўринлари ва аҳоли даромадлари кўпайишининг муҳим омили бўлиб қолган қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши, шунингдек, қишлоқда уй-жой ва инфратузилма объектларининг барпо қилиниши учун сармоя жалб этилиши бўйича шароит, имтиёз ҳамда қулайликлар яратилиши сингари масалаларга алоҳида эътибор қаратилади.

Конференция қатнашчиларига республикамиз ҳудудидаги турли объектларни бориб кўришлари учун имкониятлар яратиладики, улар режалаштирилаётган йиғилиш ва учрашувлар чоғидаги мулоқотларнинг асосий мавзуи бўлади.

(Давоми 2-бетда).

*Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида мамлакатимизга ташриф буюрган АҚШ Давлат котибининг жамоатчилик билан алоқалар бўйича ёрдамчиси Майкл Хаммер билан учрашув бўлиб ўтди.*

# ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик кўплаб соҳаларда изчил тараққий этмоқда, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик 2002 йилда имзоланган Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация қоидаларига мувофиқ конструктив ҳамкорлик ва манфаатларни ўзаро ҳурмат қилиш тамойиллари асосида ривожланмоқда.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга оид масалалар муҳокама қилинди. Томонлар икки мамлакат манфаатларига дахлдор бошқа масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Майкл Хаммер юртимизга ташрифи доирасида бир қатор илмий тадқиқот ҳамда олий таълим муассасаларида ҳам учрашувлар ўтказди.

**(ЎзА).**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

## ТАРАҚҚИЁТГА ЙЎНАЛТИРИЛАЁТГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР

**Ўтган йили республикамиз иқтисодиётига йўналтирилган капитал маблағлар, инвестициялар ҳажми тобора ўсиб, ушбу кўрсаткич ялпи ички маҳсулотга нисбатан**

**22,9 фоизни ташкил этди.**

Бу эса иқтисодиётимиз тармоқлари ҳамда йирик саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш, кўплаб инвестициявий лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш, пировардида мамлакатимизда юқори ўсиш суръатларини таъминлашда асосий омиллардан бири бўлди.

# «ЎЗБЕКИСТОН КЕНГ ҚУРИЛИШ МАЙДОНИГА АЙЛАНГАН»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бўлажак халқаро тадбир ҳозирданоқ хорижлик мутахассисларда катта қизиқиш уйғотган. У жаҳондаги 50 дан зиёд мамлакатнинг, халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг қарийб 250 нафар вакилини ўз атрофига жамлайди.

Тошкентда ўтказилажак анжуманнинг қатор иштирокчилари ушбу муҳим масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар. Улар орасида **БМТ Тараққиёт дастурининг Европа ва МДҲ минтақаси бўйича минтақавий бюроси директори Жихан Султаноглу** ҳам бор.

— Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти томонидан қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши дастурининг ҳаётга татбиқ этилаётгани амалда қўлланиладиган ёндашув ва кўлам жиҳатидан ноёб дастур ҳисобланади. Бу ташаббусни БМТ қўллаб-қувватлайди, унинг ҳаётга жорий қилиниши эса қишлоқларни барқарор ривожлантиришга бўлган ёндашувларнинг интеграцияси масаласида бошқа мамлакатлар учун тажриба сифатида танланиши мақсадида диққат билан кузатиб борилади. Дастлабки натижалар бу ташаббуснинг икки карра самарага эришиш имкониятини яратиши юзасидан хулоса чиқаришга асос бўлмоқда. Биринчидан, мазкур дастур яшаш тарзи ва иқтисодий имкониятлар нуқтаи назаридан қишлоқ ҳамда шаҳар ўртасидаги тафовутни қисқартиришга хизмат қилиши асносида иқтисодий ва ижтимоий мақсадларга, шунингдек, янада кенг қамровли, ҳар томонлама тараққий этиш моделига эришишга кўмаклашади. Иккинчидан, агар лойиҳалаштириш босқичидан бошлаб энергия самарадорлиги ва давлат қурилиш дастурлари масалаларини мувофиқ ҳолда бир-бирига боғлай олар экан, ушбу дастурда бир пайтнинг ўзида иқтисодиёт ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳаларида кўзланган мақсадга қандай эришиш мумкинлигини намойиш қилиш салоҳияти мавжуддир. БМТ Тараққиёт дастури жамоатчилик биноларида энергия самарадорлигини таъминлаш соҳасидаги ўз лойиҳалари доирасида ҳозирданоқ ҳукуматнинг бу мақсадга эришишини қўллаб-қувватлайди. Биз экологик жиҳатдан барқарор ҳамда ижтимоий йўналтирилган тараққиётга эришиш кўзланадиган дастурларнинг ҳаётга татбиқ этилиши юзасидан бундан кейин ҳам кўмак кўрсатишга тайёрмиз, — деди у.

Ўз навбатида, **“PROES Consultors S.A.” компаниясининг (Испания) меъморчилик департаменти** ва **юридик департаменти директорлари Хавьер Сальседо Кабельо** ҳамда **Хосе М. Пери Риера** Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти томонидан Осиё Тараққиёт банки ва бошқа молиявий институтлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилишини молиялаштириш дастурлари қишлоқлар аҳолисининг янада қулай яшаш шароитларига эга бўлишларига имкон яратгани ҳолда, ниҳоятда муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

“PROES Consultors S.A.” компанияси раҳбарларининг айтишларича, бу айнан кутилган дастурнинг ижросидир. Уларнинг фикрича, “Бундай дастурлар нафақат шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасидаги чегараларни олиб ташлайди, балки янада тўлақонли ва узоққа борадиган самарали натижаларни кўзлаш имконини ҳам беради”.

**Монса университети (Бельгия)нинг меъморчилик бўйича профессори Лорен Дебалье** қурилиш соҳаси мутахассиси сифатида Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларида қад кўтарган бетакрор меъморчилик обидаларини алоҳида қайд этиб ўтди.

— Республика заминидаги тарихий ёдгорликлар замонавий анъаналар билан монанд равишда уйғунлашиши мумкинлигини кўрсатмоқда, — деди Л. Дебалье. — Кенг қурилиш майдонига айланган Ўзбекистон қишлоқларидаги янги уйлар бу фикрнинг яққол мисоли бўла олади. Бу ерда қишлоқ аҳолиси учун ўз андозаси нуқтаи назаридан мисли кўрилмаган уй-жойлар бунёд этилмоқда. Намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уйлар сифати ва ўзига хос меъморий жиҳатлари билан ажралиб туради.

**“Tera Hyper Networks” компанияси (Буюк Британия) раиси Алан Парент** Ўзбекистонда мамлакатни янада ривожлантириш бўйича устувор йўналишлар орасида иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини жадаллаштириш ва аҳоли турмуш сифатини юксалтириш алоҳида ўрин тутишини таъкидлади.

— Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг изчил ривожланиши ва аҳоли фаровонлигининг юксалишида йилдан-йилга ортиб бораётган хорижий сармоялар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлгани ҳолда, улар давлат маблағлари билан бир қаторда, иқтисодиётни янада ривожлантириш ва аҳоли турмуш тарзи сифатини юксалтириш бўйича чора-тадбирларнинг кенг мажмуасини ҳаётга татбиқ этиш учун имконият яратди. Буларнинг барчаси ҳурмат ва таҳсинга сазовордир, — деди А. Парент.

**Осиё мусулмонлари қўмитаси (Кувайт) котиби Салоҳ Султон** Ўзбекистон раҳбариятининг қишлоқ ҳудудларини ҳар томонлама ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш бўйича ташаббусларининг муҳим эканлигини қайд этди.

— Ўзбекистон бўйлаб кўплаб сафарларим чоғида қатор халқаро конференция ва анжуманларда иштирок этганман. Бу, ўз навбатида, мамлакатда юз бераётган кенг кўламли ислоҳотлар ва ўзгаришлар, жумладан, Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларида уй-жой қурилиши суръатларининг жадаллашишига бевосита гувоҳ бўлишимга имкон берди. Ўзбекистонда 20 йилдан ортиқ давр мобайнида ижтимоий ва аграр соҳаларда эришилган муваффақиятларга бағишланган бундай катта миқёсдаги конференциянинг ўтказилиши давлатнинг салмоқли иқтисодий салоҳиятидан далолат беради.

Конференция қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши соҳаси бўйича мутахассис ва экспертлар учун улар олдида турган муҳим масалаларни муҳокама қилиш, у ёки бу долзарб вазифаларни ҳал этиш учун имконият яратади. Бу эса хориж мамлакатларида қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, уларга ҳаётий шарт-шароитларни яратиш, жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш ва давлат ривожланишига муносиб ҳисса қўшиш масалаларини ҳал қилиш йўллари қидирилаётган ҳозирги даврда янада муҳим аҳамият касб этаётир. Мазкур халқаро тадбир ҳамкасблар билан учрашувларни ўтказиш, хорижий корхоналараро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш учун ўзига хос “майдон” ҳамда бу соҳадаги ишларни жадаллаштириш борасида дунёнинг бошқа давлатларига ўрнак бўлиши, шубҳасиз.

**«Жаҳон» АА.**

# Байрамона ижод кечаси

*Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида «Болажонлар — ширинтойлар” номли мода фестивали бўлиб ўтмоқда. Ушбу тадбир “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Осиё рамзи” дизайнерлар ва модельерлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.*

«БОЛАЖОНЛАР — ШИРИНТОЙЛАР — 2013»

Тадбирда маҳоратли ижодкорлар, ёш дизайнерлар, болалар ижодиёти марказлари, юртимиздаги қатор мода мактабларининг вакиллари қатнашаяпти. Фестивалнинг гала-намойишида ўн тўрт ёшгача бўлган 227 нафар кичкинтой жажжи модель сифатида дизайнерлар ижодини муҳташам подиумда кўрсатишади. Санъат асари даражасидаги бундай либослар миллий, замонавий ва спорт услубида, қўл меҳнати билан, шунингдек, кундалик, авангард ҳамда байрамона шаклда яратилган.

— Юртимизда болалар мода индустрияси тобора ривожланиб бормоқда, — дейди “Осиё рамзи” дизайнерлар ва модельерлар уюшмаси раиси Холида Комилова. — Бугунги фестиваль ва унда иштирок этиб, ўз маҳоратини намоён қилаётган ёш дизайнерлар ижоди бунинг яна бир тасдиғидир. Айни пайтда 40 нафар истеъдодли ижодкор яратган либослар тўплами 7 номинация бўйича мода ихлосмандлари эътиборига ҳавола қилинмоқда. Энг муҳими, уларнинг ижодий эскизларини туғаллашда болажонларнинг ўзлари ҳам дизайнер сифатида иштирок этишди. Тўпламларга безак бериш, нақш тушириш каби юмушларни қунт билан бажарган болажонларга ҳар қанча таҳсин айтса арзийди!

Қувонарлиси шундаки, байрамона санъат кечаси сифатида анъанавий ўтказиб келинаётган мазкур тадбир иқтидорли ёшлар ижодини кенг тарғиб этишга хизмат қилмоқда. Зеро, “Болажонлар — ширинтойлар” мода фестивали иштирокчилари ва лауреатлари бугун нафақат юртимиз, балки жаҳон миқёсидаги танлов ва дефилеларда ҳам муваффақият қозонмоқдалар. Хусусан, ўтган йили “Колибри” арт-бюросининг “Саёҳат” номли тўплами фестивалда ғолиб, деб топилган эди. Орадан кўп ўтмай, ушбу жамоа ижодкорлари Россия давлатида бўлиб ўтган “Яшил сайёра” номли болалар ижодий форумида халқаро танловнинг мутлақ лауреати номига сазовор бўлди.

Ёш дизайнер Фазилат Холтаева ҳам халқаро миқёсдаги ана шундай нуфузли танловларда фаол иштирок этиб, миллий санъатимиз довруғини дунёга ёйсам, деб орзу қилади. Ушбу эзгу мақсад йўлида тиним билмай изланиб, янгидан-янги лойиҳа ва тўпламлари билан санъат ҳамда мода йўналишидаги ижодий йиғинлар, беллашувларда фаоллик кўрсатмоқда.

— Болалар мода фестивали мен учун катта маҳорат мактаби, ижодий илҳом ва рағбат бахш этувчи ажойиб анжумандир, — дейди у. — Айниқса, кичкинтойлар учун либос яратаётганда болалик хотираларимга йўғрилган беғубор бир кайфият, эзгу ҳислар мени чулғаб олади. Бугунги фестивалда ўзгача завқ билан тайёрлаган янги бир тўпламим намойиш этилаяпти. Уни болажонлар билан биргаликда “Сеҳрли ранглар” деб номладик. Тўқимачилик йўналишида ишланган ушбу либосларимиз фақат қўл меҳнати билан яратилган.

Фестиваль доирасидаги мода намойишлари, маҳорат дарслари ва илмий-амалий анжуманлар бугун ҳам давом этади. Тадбир якунида эса ғолиб ва совриндорларга махсус диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилади.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Қисқа сатрларда

● Тошкент давлат юридик институтида “Аёл эъзоз топса, турмуш ободдир” мавзуида бўлиб ўтган анжуманда хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, ёшлар тарбиясидаги ролини кучайтириш, обод турмушни барпо этишда аёллар ҳуқуқ-манфаатларини таъминлашнинг аҳамиятига оид маърузалар тингланди.

**● Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида навбатдаги меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Унда тумандаги ўндан зиёд корхона ва ташкилотлар бўш иш ўринлари билан қатнашди. Якунда йигирма тўрт нафар йигит-қизга ишга жойлашишлари учун йўлланма берилди. Таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда ўтказилган меҳнат ярмаркаларида етти юз нафардан зиёд ёшлар иш билан таъминланди.**

● Андижон вилоятида “Обод турмуш йили” Давлат дастури доирасида “Саломатлик байрами” деб номланган тадбир давомида ҳудудда яшовчи фуқаролар малакали шифокорлар томонидан чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Тадбир “Ҳамшира — 2013” кўрик-танловининг вилоят босқичи ва турли беллашув ҳамда спорт мусобақалари ғолибларини тақдирлаш маросими билан якунланди.

**● Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳамкорлигида оммавий ахборот воситалари ривожида журналистлар ихтисослашувининг аҳамиятига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиздаги етакчи газета ва журналлар, телерадиоканаллар вакиллари, олий таълим даргоҳлари профессор-ўқитувчилари ҳамда талаба-ёшлар қатнашди.**

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# ОБОДЛИКДАН ЯШНАГАН МАСКАН

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Вилоятимизда биргина 2012 йилда 370 та оилага мўлжалланган уй-жой фойдаланишга топширилди, — дейди “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси вилоят филиали директори Шуҳрат Раҳимов. — Аҳолининг замонавий уйларга эҳтиёжини тўлиқ қондириш, қурилиш ишларини бекаму кўст бажариш, иморатларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш борасида барча чора-тадбирлар кўрилаяпти. Бундан, айниқса, қурилиш жараёни билан яқиндан таниш бўлган бўлғуси уй эгалари мамнун.

Янги массивлар барпо этиш тизимининг пишиқ-пухталигининг яна бир исботи шундаки, унда ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш масалалари қамраб олинган. Масалан, ҳар бир қўрғонда намунавий лойиҳалар асосида маиший, савдо, умумий овқатланиш, болалар спорти шохобчалари, умумтаълим мактаби, маҳалла гузари, минибанк, милиция таянч пункти қурилиб, фойдаланишга топширилаяпти.

Ш. Раҳимовнинг айтишича, айни пайтда қурилиши жадал давом эттирилаётган 550 та уйнинг бошланғич бадали аллақачон тўлаб бўлинган. Уларни бир пайтнинг ўзида маиший ва коммуникация тармоқлари билан таъминлаш мақсадида 16,5 километрлик ичимлик суви, 9,8 километрлик электр энергияси ҳамда 17,9 километрлик табиий газ тармоқлари, 15,4 километрлик автомобиль йўллари ва бир қатор маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари барпо этилаяпти.



— Намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уйлар қишлоқ аҳолисига бўлган ғамхўрликнинг ёрқин кўриниши бўлиб, одамларнинг турмуш шароитини тубдан яхшилашга хизмат қилаяпти, — дейди Зарбдор туманидаги Шодлик маҳалласида бунёд этилган янги уйлардан бирининг соҳиби Баҳром Қораев. — Ўзингиз бир ўйлаб кўринг: бундай ҳовли-жойни қуриш осонми?! Илгари бунинг учун 10 йиллаб вақт сарфлашингизга тўғри келарди. Унинг ташвишини фарзандларига уй қуриб берган биз, оталар яхши биламиз.

Зарур маблағни топдингиз ҳам, дейлик. Бу билан иш битмайди-да! Цемент олиш, ёғоч-тахта тушириш, дераза-эшикка буюртма бериш, бўёқ ва пардозлаш материаллари келтириш, усталарга ҳақ тўлаш... Қолаверса, ҳали у, ҳали бу материал етмай қолса, бозорга қатнаб чарчар эдик. Ҳозир-чи? Тураржой баҳосининг белгиланган қисмини тўлайсиз-да, ўз ишингизни қилиб юраверасиз. Қурилиш ташкилотлари уйни қуриб, яшаш учун барча шарт-шароитни муҳайё қилгач, сизга унинг калитини топширади. Ишончим комилки, бундай пухта ўйланган тизим бошқа мамлакатларда камдан-кам учрайдиган ноёб ҳодисадир.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, қурилиш материалларининг аксарияти вилоятнинг ўзида ишлаб чиқарилаётгани пудратчилар томонидан ишнинг ўз вақтида бажарилиши ҳамда уйлар таннархини арзонлаштиришда муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, объектларнинг томини ёпиш учун ишлатиладиган темир-бетон материаллар, пишиқ ғиштлар маҳаллий корхоналар томонидан арзон баҳода етказиб берилаётир.

Қисқача айтганда, намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар қурилиши мамлакатимизда обод турмуш шароитини яратиш мақсадида изчил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг узвий бир қисми бўлиб, халқимиз бунёдкорлик салоҳияти, иқтисодиётимиз қудратининг амалий ифодасидир. Бу тураржойлар ободликнинг чинакам тимсоли сифатида қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражасини юксалтиришга, оилаларнинг фаровон ҳаёт кечиришига хизмат қилиши муқаррар.

**Улуғбек АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ИТАЛИЯЛИК КИНОИЖОДКОРЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА

Италиянинг “AQ International” компанияси президенти Сальваторе Качёла раҳбарлигидаги киноижодкорлар Ўзбекистон экологик ҳаракати билан ҳамкорликда “Ўзбекистон: цивилизациялар чорраҳасида” ҳамда “Кўзингни оч” мавзуидаги ҳужжатли илмий-оммабоп фильмларини суратга олишга киришди.

Италиянинг “AQ International” компанияси ва “RAI” телекомпанияси Ўзбекистон ҳақида ҳужжатли фильмлар суратга олишга бел боғлагани мамлакатларимизнинг маданият ва санъат йўналишидаги ўзаро алоқалари фаол ривожланиб бораётганидан далолатдир.

“Ўзбекистон: цивилизациялар чорраҳасида” фильми Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз каби қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарларимизда суратга олинади. Фильм ижодкорлари ўз асарида Буюк Ипак йўлида жойлашган Ўзбекистон ва унинг кўҳна шаҳарлари, халқимизнинг бой маданий мероси, маданий ёдгорликлари, осориатиқалари ҳақида ҳикоя қилишни мақсад қилганлар.

“Кўзингни оч” ҳужжатли фильмининг ғояси Орол денгизи фожиасининг атроф-муҳитга зарарли таъсирига бағишланади, одамларни ҳушёрликка чорлайди.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ФЕСТИВАЛЬ

*Навоий шаҳрида “Обод турмуш йили” муносабати билан Республика байналмилал маданият маркази, “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси ҳамда бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида “Ўзбекистон — умумий уйимиз” шиори остида дўстлик фестивали ўтказилди.*

# Дўстлик ва ҳамжиҳатлик намойиши

Бугунги кунда вилоятда 80 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари ҳамжиҳатликда умргузаронлик қилмоқда. Айни пайтда 9 та миллий-маданий марказ фаолият кўрсатаяпти.

— Биз корейс миллати вакиллари ҳам она-юртимиз — Ўзбекистоннинг ривожланишига ўз ҳиссамизни қўшиб келаяпмиз, — дейди “Чосон” миллий-маданий маркази раҳбари Александр Ким. — Шундай гўзал ва бетакрор мамлакатда туғилиб ўсганимдан фахрланаман.

Шу куни “Обод турмуш шакланишида миллий ва маънавий қадриятларнинг ўрни” мавзуида республика илмий-амалий семинари ҳамда “Кўп миллатли ва кўп конфессияли Ўзбекистон” кўргазмаси ташкил этилди.

Фестиваль доирасида миллий-маданий марказлар қошида фаолият кўрсатаётган фольклор жамоалар томонидан концерт дастури намойиш қилинди.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЯРМАРКА

*Қарши шаҳрида ўтказилган ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперацион биржасида Қашқадарё вилоятидаги 180 га яқин саноат корхоналари ҳамда кичик бизнес субъектлари ўзларининг 350 дан ортиқ турдаги маҳсулотлари билан иштирок этди.*

# Ишбилармонлар анжумани

— Мазкур тадбир орқали йирик саноат корхоналари, кичик бизнес вакиллари ва тадбиркорлар ўртасида кооперация алоқаларини янада мустаҳкамлаш ҳамда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш кўзда тутилган, — дейди вилоят ҳокимлиги иқтисодиёт бошқармаси бошлиғи Абдуғани Умиров. — Бу борада амалга оширган изчил чора-тадбирларимиз туфайли сўнгги йилларда пойабзал, кийим-кечак, бутловчи қисмлар, шампунь каби юзлаб турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Таъкидлаш жоизки, айни пайтда вилоятда 37 та йирик, 2397 та кичик саноат корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан 2012 йилда 5 триллион 312 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари, 521 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Ялпи ҳудудий маҳсулотда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг улуши 39 фоизни ташкил этди. Жорий йилнинг биринчи чорагида эса бир триллион 183 миллиард 150 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари тайёрланди.

Якунда ишлаб чиқарувчилар ва мижозлар ўртасида умумий қиймати 6 миллиард 440 миллион сўмликка яқин шартномалар имзоланди. Шунингдек, 15 дан ортиқ янги турдаги маҳсулотларни маҳаллийлаштириш борасида ўзаро келишувга эришилди.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

*Мамлакатимизда изчил иқтисодий ўсиш, ижтимоий барқарорликни таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ҳамда аҳамияти беқиёс. Шу боис ушбу соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аниқроқ айтганда, бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш мақсадида ишбилармонлар учун барча шарт-шароит яратилмоқда.*

# Сармоялар аниқ мақсадга йўналтирилмоқда

Хусусан, банклар зиммасидаги масъулият оширилиб, улар нафақат кредит, балки мижозларга тўғри маслаҳат берадиган ва йўл-йўриқ кўрсатадиган ҳақиқий ҳамкор муассасага айлантирилмоқда. “Ипотека-банк” фаолияти бунга мисол бўла олади.

Гап шундаки, ушбу банк томонидан ажратилаётган кредит маблағлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, асосан, товарлар ишлаб чиқариш, деҳқон ва фермер хўжаликлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, илғор минитехнологиялар, ихчам ускуналарни сотиб олиш, маҳаллий хом ашё негизида маҳсулот тайёрлаш ҳамда маиший хизмат турларини ривожлантириш, шунингдек, енгил саноат ва қайта ишлаш саноатига доир истиқболли лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилмоқда.

Айни чоғда жамоа аҳли соҳанинг республикамиз иқтисодиётидаги ўрнини ҳисобга олиб, кичик корхоналар ва микрофирмалар тузиш, уларни молиялаштиришда ҳудудларнинг демографик, табиий-иқтисодий шарт-шароитлари ҳамда меҳнат ва хом ашё ресурсларини чуқур ўрганган ҳолда уларга мос тузилмаларни ташкил этмоқда, айниқса, жойларда бозор инфратузилмасини яратишга устуворлик бермоқда. Натижада барча манбалар ҳисобидан 2012 йил давомида 6209 та субъектда жами 386,3 млрд. сўм миқдорида кредит ажратилиб, бунинг эвазига 11 минг 116 та иш ўрни очилди.

Бундан ташқари, Президентимизнинг Фармон ва қарорлари талабларидан келиб чиқиб, “Ипотека-банк”нинг 37 та филиали ва 122 та минибанки томонидан мижозларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш орқали республикамизда саноат, савдо ва воситачилик, аҳолига сервис хизматлари кўрсатиш ҳамда бошқа бир қатор соҳаларни такомиллаштириш, жумладан, истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш масалалари ҳам диққат-эътиборида тургани бугун ўз самарасини бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони асосида эса юртимизда фаолият кўрсатаётган тадбиркор аёлларга 36078,6 млн. сўм миқдорида кредит ажратилдики, бу белгиланганидан 118 фоиз кўпдир.

Маълумки, ҳозирги пайтда саноат тармоқлари юксалгани сайин сервис хизматига эҳтиёж ҳам тобора ортиб бормоқда. Мазкур соҳани янада ривожлантириш, хизмат турлари ва уларнинг сифатини ошириш учун 2012 йил давомида 49,8 млрд. сўм миқдорида кредит берилгани, бу кўрсаткич аввалги йилдагига нисбатан сезиларли даражада ортиқлиги ҳам диққатга сазовордир.

Хулоса ўрнида айтганда, “Ипотека-банк” жамоаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сафининг кенгайиши, улар фаолиятининг такомиллашуви, ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улушининг ошиши йўлида аниқ мақсадга асосланган тизимли ишларни рўёбга чиқариб, халқимизнинг турмуш фаровонлиги, иқтисодиётимизнинг равнақига хизмат қилмоқда.

**Банк матбуот хизмати.**

ЭЪТИРОФ

## Ишончли ҳамкоримиз

*Ўз фаолиятимни бошлабманки, “Ипотека-банк”нинг Андижон вилояти филиали мижозиман. Даставвал якка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолият юритган бўлсам, 2011 йилдан эътиборан хусусий корхона ташкил этиб, трикотаж маҳсулотлари, шу жумладан, хотин-қизлар кийим-кечаклари ишлаб чиқараяпмиз. Маҳсулотларимиз сифатли, яъни рақобатбардошлиги боис харидорини топмоқда.*

*Айниқса, 2011 йилда ушбу банк мижозлари ўртасида ўтказилган кўрик-танловнинг республика босқичида қатнашиб, “Энг яхши ишлаб чиқариш корхонаси” номинациясида ғолиб чиқиб, “Ипотека-банк” томонидан 5 миллион сўм пул мукофоти билан тақдирланиш баробарида, 100 миллион сўм миқдоридаги имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритганимиз айни муддао бўлди. Негаки, бу сармоя ҳисобидан корхонамизда замонавий ускуналарни ўрнатдик. Пировардида маҳсулотларимиз тури 10 тадан ортиб, сифати янада яхшиланди, унинг бир қисмини экспорт қилишга эришдик.*

*Айтмоқчиманки, 20 нафар хотин-қиз меҳнат қилаётган корхонамиз аҳли ишончли ҳамкоримиз — “Ипотека-банк”нинг молиявий мададидан миннатдор.*

**Умидахон ҲОШИМОВА,**
**Андижон туманидаги «Салом Ҳамкор текстиль» хусусий корхонаси раҳбари.**

## Сифат — бош мезон

*2010 йилда “Ипотека-банк”нинг Самарқанд вилояти филиали кредити ҳисобига фармацевтика флаконларини алюминий билан қопловчи ҳамда резина қопқоқлар ишлаб чиқарувчи корхонамиз фаолиятини йўлга қўйган эдик. Вақт бош маҳсулот сифатини ошириш, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш учун замонавий ускуналарга эҳтиёж борлигини кўрсатди. Шунга асосан, импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича лойиҳамизни банкка тақдим этган эдик, у қўллаб-қувватланди: 300 миллион сўмлик кредит олдик. Эвазига илғор асбоб-ускуналарни харид қилдик. Натижада ойига 20-30 минг дона ўрнига 1 миллион дона турли ўлчамдаги қопқоқлар ишлаб чиқариш имконияти пайдо бўлди.*

*Жорий йилда ҳам мазкур молия муассасасидан яна 700 миллион сўмлик кредит олиб, ишлаб чиқаришни янги босқичга кўтармоқчимиз. Бу — корхонамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури йил якунига қадар янада кўпаяди, деганидир.*

**Фахриддин МАҲМУДОВ,**
**Самарқанд шаҳридаги «Ҳамидобод Имкон» МЧЖ раҳбари.**


**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Бухоро вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Суд департаментининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Бухоро вилояти судининг 2012 йил 8 октябрдаги 1-41-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Бухоро шаҳри, Баҳоуддин Нақшбанд кўчаси ёқасида жойлашган, қурилиши тугалланмаган «Орзу» кўп қаватли уй-жой комплекси мулкий мажмуаси.

***Бошланғич баҳоси — 3 620 293 553 сўм.***

**2.** Бухоро шаҳри, «Отбозор» ҚФЙ ҳудудида жойлашган 1 гектарлик иссиқхона.

***Бошланғич баҳоси — 1 083 286 052 сўм.***

Шунингдек, Бухоро шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Бухоро вилояти судининг 2011 йил 12 августдаги 2-37-11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро шаҳри, Абдураҳмон Жомий кўчаси, 15/5-уйда жойлашган, умумий ер майдони 995,64 кв.м.дан иборат сауна биноси ва унинг ичидаги мулклар.

***Бошланғич баҳоси — 279 898 003 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 2 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 30 апрель куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг ОАТ «Турон» банки Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304920609016, МФО: 00111, СТИР: 207122519.

**Манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават.**
**Телефон: (8-365) 223-71-30. www.1kms.uz**

581R/1453

*Лицензия: RR-0001.*



*Корхона ва ташкилотлар диққатига!*

**«KOR-UNG INVESTMENT»**
**масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонаси**

**Наманган вилояти, Уйчи тумани, Жийдакапа қишлоғи, «Бунёдкор-Мақсудбек Файз» фермер хўжалиги ҳудудида «Автомобилларга сиқилган газ тўлдириш компрессор шохобчаси» қуришни лойиҳалаштириш ишларини амалга ошириш учун танлов эълон қилади.**

***Танловда шу соҳада тажрибаси ва лицензияси бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.***

**Таклифлар 2013 йил 19 апрелгача қабул қилинади.**

**Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 6-уй.**
**Танлов шартлари бўйича қўшимча маълумотлар олиш учун телефонлар: (8-371) 150-06-30, 150-06-34.**
**Факс: (8-371) 150-06-24.**
**E-mail: kor.ung@mail.ru**

566-1A/342



*Companies and enterprises!*

**JV «KOR-UNG INVESTMENT» LLC**

**announce the competitive selection of organizations and enterprise who has an appropriate license and experience for the designing of the object «Compressed natural gas filling station (CNG) in Namangan region, Uychi district, village Jiydakapa.**

***The proposals should be submitted due 19th of April 2013y.***
***By address Tashkent city, str. Bukhara # 6***
***Post code: 100047.***

**For additional information about the conditions of competition you can contact by phone: 150-06-30, 150-06-34, fax: 150-06-24.**
**E-mail: kor.ung@mail.ru**

566-2A/342



**POLIMER GROUP «Polimer Group Asia» МЧЖ**

**совуқ сув ва газ учун ∅ 63-800 мм.гача бўлган полиэтилен қувурлар ҳамда фитинглар, ПВХдан тайёрланган, бурғилашдан кейин қўйиладиган «вертикал ер ости» қувурлари ишлаб чиқаради.**



**Шунингдек, Европанинг «Pitmo» фирмасининг полиэтилен қувурларини, ∅ 63-1200 диаметргача бўлган пайвандлаш ускуналарини таклиф этади.**

**Кичик ҳажмларда «SG-5» ёки «К-67»га тенг бўлган ПВХ хом ашёсини миллий валютада харид қилади.**



**МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.**

***Шиоримиз — сифатли маҳсулот мижоз учун.***

**Тел.: (+99898) 305-70-06, (+99890) 321-95-25, (+99871) 269-02-03.**
**Факс: (+99871) 262-05-07. E-mail: info@pga.uz**

13R/1240



**«ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ» УШКга *қарашли***

**SNP Shurtan Navoi Plast-PE**

**«POLIETILEN QUVURLAR»**
**ШЎЪБА КОРХОНАСИ**



**ҳозирги кунда Австрия, Германия, Хитой давлатларининг «Battenfeld-Cincinnati», «ZHANGJIANG BAIXIONG KLIMENS MASHINERY CO.LTD» каби етакчи компанияларидан келтирилган ускуналарда ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли, диаметри 20, 25, 32, 40, 50, 63, 75, 90, 110, 125, 140, 160, 180, 200, 225, 250 мм. бўлган тўрт хил — «SDR 41», «SDR 26», «SDR 17.6», «SDR 11» турдаги полиэтилен қувурларни истеъмолчиларга етказиб бермоқда.**

*Шунингдек, корхона Италия давлатининг «Ritmo» фирмасидан келтирилган ускуналарда барча турдаги полиэтилен қувурларга бутловчи қисмлар (фитинглар) ишлаб чиқармоқда.*

*Маҳсулотлар «ISO 9001-2008» халқаро стандартларига мувофиқ, сифат менежменти тизими асосида тайёрланади.*

*Маҳсулот сифати мувофиқлик, гигиена, экологик сертификатлари билан тасдиқланган.*

***«POLIETILEN QUVURLAR» ШК мижозларни ўзаро манфаатли ҳамкорликка таклиф этади.***




**210609, O`zbekiston Respublikasi, Navoiy viloyati, Karmana tumani, Malikrabot qo`rg`oni.**
**«Navoiy» erkin industrial-iqtisodiy zonasi.**
**Tel.: (8-436) 220-00-35, 220-00-34. Faks: 220-00-36. E-mail: pe_plast@mail.ru web-sayt: pe_plast.uz**

223R/



*Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!*

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ**

**қуйидагиларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича такрорий тендер (ретендер) ўтказилишини эълон қилади:**

ип аралашган жунли одеяллар, бир кишилик пахтали матраслар, 58х58 см.ли пахтали ёстиқлар, денгиз тўлқини рангли трикотаж майкалар, табиий қўй терисидан тайёрланган ёқалар, ўт ўчирувчилар жанговар кийими (махсус қўлқоплари билан).

**Манзил: 100070, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.**

*Талабгорлардан тендер савдоларида иштирок этиш учун таклифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 32 календарь куни давомида қабул қилинади.*

**Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 19.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин:**
**(8-371) 255-75-12, 281-43-72, 255-81-45.**
**Факс: (8-371) 281-43-73.**

576A/358



**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 2006 йил 6 мартдаги ЖСК-1-88/2006-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Мичурин дала-ҳовличилар» ҳудудида жойлашган пешайвон (терасса), ертўла, айвон, шийпон (беседка), бассейн ва ёзги ошхонадан иборат 67-сонли дала-ҳовли такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 156 108 225 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 1 май куни соат 15.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 29 апрель куни соат 18.00. Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.**
**Телефон: (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz**

577R/1453

*Лицензия: RR-0001.*





**ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР**

**«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК**

**ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)**

**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.**

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.**

**Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100.**

**Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60, 40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.**

**ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75, қалинлиги 0,3-0,9 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.**

**МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.**

**Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.**

10R/109


Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва “Ижод” жамоат фонди уюшма аъзоси, “Ёшлик” журнали бош муҳаррири Собир Ўнарга рафиқаси

**Лола ЎНАРОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“O`zbekiston” телерадиоканали жамоаси “Ахборот” информацион дастурлар бош муҳарририяти бош муҳаррир ўринбосари Озод Ҳамидхўжаевга падари бузруквори

**АСОМХЎЖА отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



# Келажакнинг мустаҳкам асоси

*Фарзанд тарбияси юрт тараққиёти, жамият равнақида муҳим аҳамиятга эга. Президентимиз жорий йил 15 март куни Оқсаройда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгаши мажлисидаги маърузасида бу ҳақда тўхталиб, "...ҳеч кимга сир эмас, ҳар қайси ота-онанинг орзуси бўлган, яъни ўз фарзандларининг жисмоний, интеллектуал ва маънавий жиҳатдан етук бўлиб, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашини энг устувор, энг олий мақсад, деб билган мамлакат ва халқгина юксак тараққиётга эриша олади", дея таъкидлаб ўтдилар.*



## БОЛАЛАР СПОРТИ

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузишдан кўзланган эзгу мақсад замирида ҳам ана шу ҳаётий ҳақиқат ўз аксини топган. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар Қорақалпоғистон Республикасида ҳам изчиллик билан амалга оширилмоқда.

— 2003 — 2012 йиллар мобайнида Жамғарма маблағлари ҳисобидан Оролбўйида 114 та болалар спорти иншооти ҳамда 12 та болалар мусиқа ва санъат мактаби фойдаланишга топширилди, — дейди Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлими директори Бухарбой Қалабоев. — Уларнинг барчаси замон талабларига мос тарзда жиҳозланган. Масалан, биргина ўтган йилнинг ўзида қилинган ишларни оладиган бўлсак, ҳудудда ўнта спорт мажмуаси бунёд этилди. Нукус шаҳри ҳамда Жеке терек маҳалласидаги болалар спорти мажмуалари, теннис спорт мактаби, Қўнғирот, Элликқалъа, Чимбой, Тўрткўл ва Нукус туманларидаги спорт заллари шулар жумласидандир.

Бу каби эзгу ишлар натижасида Қорақалпоғистоннинг энг чекка овулларида ҳам болаларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиш имкониятлари ортиб, давлатимизнинг соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги сиёсати ўзининг амалий тасдиғини топаётир. Рақамларга мурожаат қилсак, бугунги кунда Оролбўйидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида 49 минг нафардан зиёд, соғломлаштириш гуруҳларида эса 73 минг нафардан ортиқ ўғил-қизлар спорт сирларини ўрганиб, маҳоратларини оширмоқда. Улар орасида мамлакат миқёсидаги ва халқаро мусобақаларда юқори натижаларни қўлга киритаётган иқтидор эгалари кўпчиликни ташкил этади.

— Ёши катталарнинг хотирлашича, илгари спорт билан шуғулланиш учун Қорақалпоғистонда умуман шароит бўлмаган экан, — дейди қатор халқаро турнирлар ғолиби Абубакир Узақбоев. — Шу боис ҳам қанча-дан-қанча истеъдодлар кашф этилмай қолиб кетган. Ўзбекистонимиз мустақилликка эришгач, шароит ижобий томонга ўзгарди. Оролбўйига алоҳида эътибор қаратилиб, шаҳару қишлоқлар обод қилиниши баробарида, спорт инфратузилмаси ҳам ривожлантирилди. Бугун қайси бир ҳудудга борманг, муҳташам спорт мажмуалари, стадионлар, бадиий гимнастика заллари, сузиш ҳавзаларига кўзингиз тушади. Бундай бунёдкорликлар одамларимизнинг руҳини, кайфиятини кўтариб юборди. Катталаримиз энди бизга ҳавас қилиб: "Қандай бахтли замонда яшаяпсизлар. Бунинг қадрига етинглар", дея таъкидлашади.

Чиндан ҳам, шу юртга муносиб фарзанд бўлиш ҳар биримизнинг дилимиздаги эзгу ниятдир. Мен ҳам ана шу имкониятлар туфайли спортнинг академик эшкак эшиш тури сирларини кунт билан ўргандим. Республика чемпионатларида тажриба орттириб, нуфузли халқаро мусобақаларда ўз иқтидоримни намойиш этишга муяссар бўлдим. Қўлга киритган муваффақиятларимни Президентимиз эътироф этиб, менга замонавий қайиқ совға қилдилар. Ўшанда давлатимиз раҳбарига бу юксак эътиборга жавобан, албатта, чемпион бўлиб, юртимиз байроғини баланд кўтараман, дея ваъда бергандим. Сўзимнинг устидан чиқиб, 2011 йилда Сингапурда ўтказилган Осиё кубогида олтин медални қўлга киритдим. Юртбошимиз ишончини оқлаганимдан бахтиёрман.

Қувонарлиси, кейинги йилларда қорақалпоғистонлик қизлар ҳам спортда улкан марраларни забт этишаётир. Бунга 2012 йилнинг июль ойида Германиянинг Бергиш Гладбах шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида бадиий гимнастика ва баскетбол бўйича ўтказилган халқаро турнирларда эришилган натижалар ёрқин мисол бўла олади. Ушбу спорт анжуманининг бадиий гимнастика баҳсларида Гулистон Отамуратова ва Севара Тажимова, баскетбол беллашувларида эса Қорақалпоғистон Республикаси қизлар жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди.

**О**ролбўйида болалар спортини ривожлантириш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатлар Обод турмуш йилида ҳам изчил давом эттирилади. Яъни Чимбой, Қонликўл, Тахтакўпир, Амударё ва Кегейли туманларида спорт заллари, Тўрткўл ҳамда Амударё туманларида эса болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини қуриб, фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Шубҳасиз, ана шу мажмуалар ҳам фарзандларимизни баркамол этиб тарбиялашга хизмат қилади.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

## Саломатлик

*Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида инфаркт ва инсульт касалликларини камайтиришдаги энг самарали ёндашувларга бағишланган анжуман "Қон босимингизни назорат қилинг, юрак-қон томир касалликларини камайтиринг" шиори остида ташкил этилди.*

### Самарали ёндашув

Тадбирда таъкидланганидек, ҳозирги кунда юртимизда кардиология йўналишидаги илм-фан ютуқлари амалиётга изчил жорий қилинмоқда. Коронар артериялар ангиопластикаси ва стентлаш амалиёти, юрак аритмиясида қўлланилаётган замонавий электрофизиология усуллари бунга мисолдир. Илғор тиббий технологияларга асосланган мазкур тезкор муолажалар бугун нафақат пойтахтимиз клиникалари, балки вилоят шифохоналарида ҳам муваффақиятли амалга оширилаяпти. Натижада юрак-қон томир касалликлари туфайли ҳаётдан кўз юмиш кўрсаткичлари камайиб бормоқда. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида артериал гипертониянинг олдини олиш ҳафталиги эълон қилинди. У жорий йилнинг 14 апрелигача давом этади.

*Бухорода вирусли инфекцияларни аниқлаш, даволаш ҳамда уларнинг олдини олиш масалаларига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.*



### Ўзаро тажриба алмашилди

Тадбирда вирусли гепатит ва ОИТС тарқалишининг олдини олиш, касалликларни эрта аниқлаш, даволашда илғор услуб ва тажрибаларни қўллаш, муолажалар самарадорлигини ошириш каби масалалар юзасидан Швеция, АҚШ, Япония, Россия давлатлари тиббиёт муассасалари мутахассисларининг маърузалари тингланди. Шунингдек, юқумли хасталикларни вируслар ҳамда инсон организмидаги генетик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда даволашни такомиллаштириш натижасида эришилаётган ютуқлар тўғрисида ҳам ўзаро фикр алмашилди.

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати хабарлари асосида тайёрланди.**

## ДИЛ СЎЗИ

*Азалдан Шарқ ва шарқ тиллари ўз жозибаси, жилвадорлиги билан барчани мафтун этиб келган. Шарқона ҳаёт, урф-одатларга бўлган иштиёқ ва ҳавас менга болаликдан ҳамроҳ. Шу сабабдан Шарқ адабиётини ўрганиш мақсадида Токио чет тиллар университетининг туркиёт кафедрасига ўқишга кирдим.*

# Тенгдошларимга ҳавас қиламан

"Омад — интилганники", деганларидек, қарангки, ўтган йили Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳамда Токио чет тиллар университети ўртасидаги ҳамкорлик битимига биноан тил амалиётини ўташ учун Ўзбекистонга келдим.

Тошкент давлат шарқшунослик институтидаги ҳаётим ҳақида гапирадиган бўлсам, аввалambor, бу ердаги ўқитувчилар ва талабаларнинг самимийлиги, очиқ кўнгиллигига ҳавас қилдим. Институтдаги тиниб-тинчимас талабалар қатори мен ҳам ҳар бир тадбирда фаол иштирок этишга ҳаракат қилаяпман. Кўплаб ўзбек йигит-қизлари билан дўстлашдим. Улар нафақат ўзбек тилини, балки Ўзбекистон тарихи, маданияти ва миллий урф-одатларини ўрганишимда яқиндан ёрдам бермоқда.

Токиодаги ўзбек миллий ошхонасига борганимда, илк бор дутор навосини тинглаган эдим. Ушбу ўзбек миллий чолғу асбоби мени ўзига ром қилган. Шу боис менда дутор чалишни ўрганиб, Япониядаги дўстларимни лол қолдириш нияти пайдо бўлди. Ана шу мақсадда Тошкентда ҳаваскорлар тўгарагига аъзо бўлдим. Ҳозирги кунда дутор тўгарагидаги янги дўстларим билан ўзбек миллий куйларини чалишни машқ қилаяпмиз.

Амалиёт даврида гўзал Ўзбекистоннинг кўпгина вилоятларига бориш бахтига ҳам муяссар бўлганимдан хурсандман. Масалан, Наманганда миллий урф-одатларга бой тўй маросимини кўриб, ҳайратланган бўлсам, Андижоннинг Париж каби гўзаллигидан, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Қўқон манзаралари, Нукусдаги катта нонлар, Қизилқумнинг сокин ва чиройлилигидан олам-олам таассурот олдим.

Турли миллат вакиллари қўним топган ва тинч-тотув яшаётган Ўзбекистонда ўзимни худди она-юртимдагидек ҳис қилмоқдаман. Чунки юртингиз ва Япония ўртасида кўпгина ўхшаш томонларни кўрдим — тил, маданият, каттага ҳурмат, кичикка иззат.

Умуман, Тошкент давлат шарқшунослик институтида шу йилнинг июль ойигача бўлган тил амалиёти давомида кўплаб янги билимларга эришаман, деган умиддаман. Шу билан бирга, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги дўстона алоқалар барча соҳаларда янада ривожланишини чин қалбимдан тилаб қоламан.

**Яно РЮТАРО,**
**Токио чет тиллари университети талабаси.**

# ОНА ТАБИАТ ТУҲФАСИ



*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тасарруфидаги Ўсимликлар ва ҳайвонот олами генофонди институти Марказий гербарий лабораториясида жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида ўсувчи бир миллион тўрт юз мингдан зиёд ўсимлик турларининг намуналари сақланади. Улар орасида ҳозир табиатда деярли учрамайдиган ноёб ўсимлик турлари ҳам борки, улар ҳақида фақатгина илмий-тарихий китоблардан маълумот олиш мумкин.*

## Уни асраб-авайлаш, эъзозлаш ва қадрлаш барчамизнинг бурчимиздир.

## ИЗЛАНИШ

**И**лмий тадқиқот муассасалари орасида катта аҳамиятга эга бўлган Гербарий лабораториясининг илк намуналари XIX асрнинг қирқинчи йилларида терилган бўлиб, айни пайтда улар лабораториянинг ноёб мулки ҳисобланади. Ҳар бир гербарий намуналарида ўсимликлар оиласи, туркуми ва турнинг лотинча номланиши, унинг терилган санаси, манзили ва муаллифи, ўсиш муҳитининг экологик хусусиятлари ҳақида маълумотлар мавжуд.

Марказий гербарий лабораторияси тўрт бўлимдан иборат. Биринчи бўлимда Марказий Осиё минтақасида ўсадиган ўсимликлар дунёси акс эттирилган. Умумий бўлимда эса Марказий Осиё ҳудудидан ташқари ҳудудлардан йиғилган намуналар сақланади. Улар орасида Эрон, Афғонистон, Шимолий Африка, Россиянинг турли минтақаларидан йиғилган намуналар салмоқли ўринни эгаллайди. Тўртинчи бўлим — типлар коллекцияси бўлиб, бу ерда Марказий Осиёнинг турли нуқталаридан фан учун янги деб топилган ўсимлик турларининг биринчи нусхалари сақланади. Бу бўлимда 1500 турга мансуб бўлган 2000 дан ортиқ тип намуналари сақланиб, систематика соҳасида олиб борилаётган тадқиқотлар учун хизмат қилиб келмоқда. Типлар коллекцияси Марказий гербарийнинг олтин фонди ҳисобланади.

Бугунги кунда Марказий гербарий лабораториясида сақланаётган намуналар сони кун сайин ортиб бормоқда ва Ўзбекистонда флора ҳамда ўсимликлар систематикаси борасидаги илмий изланишларнинг асосий маркази сифатида фаолият олиб бораяпти.

Аслини олганда, юртимизда 4,5 мингдан зиёд ўсимлик тури бўлиб, гербарийлар улар ҳақидаги биринчи муҳим ҳужжат ҳисобланади. Унда Ер юзининг бошқа минтақаларида учрамайдиган кўплаб ноёб дарахтлар, ўт-ўлан, гул ва буталар мавжуд бўлиб, уларнинг биологик таснифи, интродукцияси масаласи соҳа мутахассислари олдидаги долзарб вазифалардан биридир.

Бундан бир неча йил муқаддам, "Ғузор — Бойсун — Қумқўрғон" темир йўли қурилиши арафасида ушбу минтақада ўсувчи ўсимликларнинг ноёб турларини аниқлаш борасида махсус экспедиция ташкил этилди. Иш жараёнида "Қизил китоб"га киритилган ўсимликлар ва уларнинг тарқалиши белгиланган харита тузилди. Мазкур харита темир йўл қурилиши доирасига тушиши мумкин бўлган камёб ва эндем турлар бор эканлигини кўрсатди. Уларнинг айримлари эса "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик темир йўл компаниясининг молиявий кўмагида хавфсиз ҳудудларга кўчириб ўтказилди. Уларнинг ўсиши ва ривожланиши кейинги йиллар давомида мунтазам кузатиб борилди. Экспедиция жараёнида биз юртимизда ўсадиган кўплаб гиёҳлар, ўсимлик ҳамда буталарнинг қандай номланишидан ўрта ва ёш авлоднинг бехабарлигини англадик. Назаримизда, бу бизнинг она-табиатга нисбатан эътиборсизлигимиз, экологик билимимизнинг етарли эмаслигидан далолат. Айримлар бу соҳа мутахассисларининг иши, деган фикрни билдиришлари мумкин. Бироқ бизни ўраб турган табиатни билиш, уни эъзозлаш, биохилма-хилликни асраш ҳар биримизнинг бурчимиз эмасми? Бугун Ўрта Осиё ноки, қаровин ширачи, Улуғбек скабиозаси, чизиқпояли пилдироқ меваси, Федченко пилдироқ меваси сингари ўсимлик турлари йўқолиб кетган ёки йўқолиш арафасида. Уларни асраб қолишда нафақат мутахассислар, балки ҳар бир юртдошимиз ҳам масъул ва жавобгардир.

Юртдошларимизни ботаник билимларга қизиқтириш мақсадида соҳа олимлари иштирокида бир қатор истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Улардан бири сифатида "Ўзбекистонни ботаник-географик районлаштириш ва унинг ўсимликлар хилма-хиллиги маълумотлар базасини тузиш" лойиҳасини келтириш мумкин. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан молиялаштирилаётган ушбу лойиҳа доирасида Ўзбекистон флораси бўйича маълумотларнинг электрон вариантини яратиш ишлари бошланди. Лойиҳага мувофиқ, юртимизда ўсувчи ноёб ўсимликлар таснифланган китоблар чоп этиш, уларнинг электрон шаклини яратиш, шунингдек, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани ҳудудида, хусусан, Чимён атрофида мавжуд ўсимликлар дунёси ҳақида суратли китоб чоп этиш сингари бир қатор юмушлар амалга оширилади. Юртимизнинг ўзига хос иқлим ва табиий шароитига эга бўлган минтақаларида ўсимликларнинг йўқолиб бораётган ва камёб турларининг электрон харитасини яратиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу нафақат табиатни асрашга, балки экотуризм соҳасининг янада равнақ топишига ҳам хизмат қилади.

Амалга оширилаётган барча эзгу ишлар юртимиз келажаги бўлган навқирон авлоднинг экологик билимларини янада кучайтириш, ноёб ўсимликлар оламини асраб-авайлашга қаратилган. Зеро, ўз Ватанини севувчи ҳар бир инсон она-табиатни ҳам кўз қорачиғидай эъзозлаши, унинг гуллаб-яшнашига ҳисса қўшиши зарур.

**Комилжон ТОЖИБАЕВ,**
**ЎзР ФА Ўсимликлар ва ҳайвонот олами генофонди институти Марказий гербарий лабораторияси мудири, биология фанлари доктори.**

## БИЛАСИЗМИ?

*Момоларимиз қадим замонлардан буён райҳон экиб келишади. Чунки унинг хуш бўйи кишига қувонч бахш этади, кулфи-дилини очади, ҳовлига эса ўзгача ҳусн бағишлайди. Райҳон нафақат таомга табиий лаззат беради, балки халқ табобатида шифобахш ўсимлик сифатида ҳам қўлланилади.*

# Кўнгил ифори

**Б**обокалонимиз Абу Али ибн Сино райҳон ҳақида шундай дейди: "Уни янчиб ёки ёғини олиб, малҳам қилиб бавосилга суртилса, фойда қилади". Шунингдек, унинг суртмаси кўзнинг лўқиллашини тўхтатиши, эмизикли она сутини кўпайтириши, ични тўхтатиши, пешоб ажралишини яхшилаши ҳам аниқланган.

Райҳоннинг муаттар ҳиди зарарли ҳашаротларнинг кушандаси ҳисобланади. Шунинг учун қушлар ин қуришда райҳон поясидан фойдаланади.

Ўзбек ошхонасида райҳон ошкўк ва зиравор сифатида ҳам қадрланади. У гўштли ва ёғли масаллиқларга таъм беришда ишлатилади.

Райҳон фойдали моддаларга бой. Хусусан, унинг таркибида 1-5 фоиз эфир мойи, 5 фоиз танин, сапонин, хушёқар маза берувчи омиллар, органик кислоталар, турфа дармондори ва маъданий унсурлар мавжуд.

Уй шароитида райҳондан қуйидагича доривор дамлама тайёрлаш мумкин: 2 чой қошиқ миқдорида майдаланган райҳон бир ёки икки стакан қайноқ сувга дамланади. Райҳонни қора чой билан омихта қилиб ичиладиган бўлса, фойдаси янада яхши бўлади.

**Доно ХЎЖАЕВА,**
**олий тоифали доришунос.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 454. 115 687 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-6788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5